



2020 у «04» май

№ К-906

«___» _____ 20__ г

**Махсус техникалар орқали истеъмолчиларга
тоза ичимлик суви етказиб бериш чора-
тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш” Қоидаларининг 118-банди ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига мувофиқ, истеъмолчиларга махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Марказлаштирилган коммунал сув тармоғидан таъминлаш имконияти бўлмаган пунктлар аҳолиси (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб берилсин.

2. Шўрчи туман “Сувоқава” ДУК (Т.Холиёров) марказлаштирилган коммунал сув тармоғидан таъминлаш имконияти бўлмаган пунктларга махсус автотранспорт ёрдамида ичимлик сувини етказиб берувчи масъул ташкилот қилиб белгилансин.

3. Шўрчи туман “Сувоқава” ДУК (Т.Холиёров) аҳоли (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериладиган ҳудудлар, ичимлик суви миқдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари нархларни тартибга солувчи орган билан келишилганлиги иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Шўрчи туман “Сувоқава” ДУК (Т.Холиёров)га:

- ичимлик сувини белгиланган тартибда шартнома асосида махсус автотранспорт воситалари орқали ўз вақтида, тўлиқ етказиб берилишини;

- истеъмолчиларга етказиб берилган ичимлик суви бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш топширилсин.

5. Туман ҳокимлиги ахборот хизмат раҳбари (Н.Шоева), туман ҳокимлиги муассислигидаги “Жараён” газетаси (Б.Элмуродова) мазкур норматив ҳуқуқий ҳужжатларни газета орқали чоп этилиши ҳамда туман ҳокимлигининг расмий

веб-сайтига жойлаштирилишини, электрон шаклда бир кунлик муддатда ижрочиларга етказилишини ташкиллаштирасин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Шокиров зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими



Б.Худойберганов